



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 22 май, № 104 (7334) Чоршанба

Сайтимига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **локал тармоқ** — электр, иссиқлик энергиясини ёхуд биогазни ташвиш (узатиш) ва (ёки) тақсимлаш учун мустакил равишда ишловчи электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғи; **микрo ва кичик гидроэлектростанциялар** — электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи, ўрнатилган қуввати тегишлича 0,2 МВт ва 30 МВтгача бўлган тўғонсиз гидроэлектростанциялар;

қайта тикланувчи энергия манбалари — атропо-мухитда табиий ҳолда қайта тикланувчи кўёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш — илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир ишлар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, уни ташвиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариши амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

(Давоми 2-бетда).

Кун воқеалари қисқа сатрларда

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Registon" ўқув маркази томонидан ташкил этилган "Эсселар танлови" ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қирғизистон Республикасининг Уш шаҳридаги Қирғиз — ўзбек университети ташаббуси билан халқаро дўстлик фестивали ташкил этилди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган давлат университетлари ҳамда Қўқон давлат педагогика институти жамоалари қатнашди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностика кафедраси қошида "GE Healthcare" ўқув-симуляцион маркази очилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил қилган матбуот анжуманида қайд этилишича, маҳаллий корхоналар томонидан 2500 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Бибихоним масжиди яқинида туристик ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлигида Беларус Республикаси Куроллы Кучлари Бош штаби бошлиғи — Беларус мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Олег Белоконов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ, ПЕНСИЯЛАР ВА БОШҚА ТўЛОВЛАР МИҚДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТўҒРИСИДА

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида:

1. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига:

577 170 сўм миқдорида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори; 202 730 сўм миқдорида базавий ҳисоблаш миқдори;

202 730 сўм миқдорида пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилсин.

2. Белгиланган қўйилсинки:

а) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори:

1,0 тариф коэффициенти бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича ойлик тариф ставкасининг пулдаги ифодаси ҳисобланади;

меҳнат муносабатлари соҳасида лавозим маоши, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгилаб қўйилган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади;

белгиланган меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйи chegarasi сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакли ва меҳнат муносабатларидан қатъи назар, барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади;

б) базавий ҳисоблаш миқдори: солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилмаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини;

тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади;

в) пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда маъий бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

3. Белгилансинки:

энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган устамалар, қўшимча ҳақ, мукофотлар ҳамда бошқа компенсация ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг барча турлари мазкур тўловларнинг сўмда ифодаланган амалдаги миқдорларини сақлаб қолган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади (зарур ҳолларда кўп томонли равишда);

белгиланган меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйи chegarasi сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакли ва меҳнат муносабатларидан қатъи назар, барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

ТЕРМИЗ:

ОДАМЛАРГА КАТТА ИШОНЧ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИКЛАР



Президент ташрифидан сўнг

— Бугун Термиз шаҳри кўчаларини кезиб, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлардан беҳад қувонаман, — дейди меҳнат фахрийси Абдулла Холмирзаев. — Беихтиёр вилоятимиз марказининг ўтган асрнинг 50 — 60-йилларидаги қиёфаси кўз олдимда гавдаланади. Собиқ тузум даврида эътиборсиз қолдирилган шаҳарчада одамлар ҳаминқадар кун кечирар, тор кўчалар, пасқам, кўримсиз уйлар дилни хира қиларди.

Тоза ичимлик суви танқислиги, электр энергияси таъминотидаги мунтазам узилышлар, умуман айтганда, яшаш учун шароит йўқлиги туфайли одамлар бошқа шаҳарларга кўчиб кетганига ҳам кўп гувоҳ бўлган-

миз. Шу боис бўлса керак, бугун кун сайин обод бўлиб бораётган Термиз хайрат ва ҳавасни ошириб, дилда шукроналик, миннатдорлик туйғуларини жўш урдирмоқда.

Олиб борилаётган халқчил

сиёсат нафақат пойтахтда, балки ҳудудлар ҳаётида ҳам ўз ифодасини топиб, туб ўзгариш ва янгиланишлар кўлами кенгайиб борапти. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Сурхондарёга ташрифи чоғида

Термиз шаҳрини замонавий талаблар асосида обод қилиш, одамлар учун қулай турмуш шароитларини яратишга доир амалий тақдир ва тавсияларини билдириб келади.

3

ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ



Президентимиз ташаббусига кўра, юртимизда тадбиркорлар ва инвесторлар муаммолари билан шуғулланадиган янги тизим яратилмоқда. Ҳўш, бизнес юришти муҳитини яхшилашда мазкур тизимнинг роли қандай бўлади? Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишда-чи?

ва "Хар бир оила — тадбиркор" дастурининг ижроси: таҳлил ва ёндашувлар" мавзусидаги анжуманида шу масала муҳокама қилинди.

Тадбиркорлик ҳаракати-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, солиқ тизими тў-

дан ислоҳ қилинган, руҳсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби соддалаштирилган, тадбиркорларнинг молиявий-ҳужалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинган бунга мисол бўла олади. Аммо таҳлиллар муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини далолат бермоқда. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқотида кўзга ташланаяпти.

Президентимизнинг жорий йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, бу бўшлиқ тўлдирилмоқда. Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабул-хоналари ташкил этиляпти.

3

Кун иқтибоси:

Антониу ГУТЕРРИШ, БМТ Бош котиби:

— Икки йил олдин Орол денгизи ташириб бузуриб, замонамизнинг энг йирик экологик ҳалокатларидан бирининг гувоҳига айланганим. Орол денгизи катталиги бўйича қачонлардир дунёдаги тўртинчи кўл эди ва унинг бир неча ўн йил ичида аста-секин қуриб боришти минтақа ҳукуматлари ҳамда жамоатчилиги учун қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Менин сафарим сайёрамизга нисбатан эътиборсизликнинг фожевий асоратларини эслатиб қўйди, бироқ мен оқилона қўллаб-қувватлаш ёрдамида жамоатчилик ушбу ҳолатни ўзгартира олиши мумкинлигига ҳам шўҳид бўлдим.



Германия Асосий Қонуни ва Конрад Аденауэр: 70 ЙИЛЛИК ТАРИХГА НАЗАР

Германия Асосий Қонуни ва Конрад Аденауэр:

70 ЙИЛЛИК ТАРИХГА НАЗАР

Жорий йил 23 май куни Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни қабул қилинганига 70 йил тўлади. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ГФР Асосий Қонунини ўзбек ва немис тилларида, шунингдек, "Германия бўйлаб конституциявий саёҳат" китобини чоп этди.

Халқаро тажриба

Германия Асосий Қонунининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ҳақида сўз борганда, авваламбор, бу тарихий жараён ГФР давлатига асос солган ҳамда шу давлатнинг биринчи Федерал канцлери бўлган атоқли немис сиёсатчиси Конрад Аденауэр номи билан

лан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, Германиянинг умумэтироф этилган ушбу давлат арбоби асосчиси бўлган Конрад Аденауэр номидидаги жамғарма мамлакатимизда салкам чорак асрдан бери самарали фаолият олиб бормоқда.

КОНСТИТУЦИЯ ҲАМДА ОЗОД ВА БАҐҚАРОР ДАВЛАТ

К. Аденауэр 1948-1949 йилларда Германия Парламент кенгаши президенти лавозимида фаолият юритган. Энг муҳими, у Конституциявий таъсис йиғини раиси бўлган даврда, демократик давлатчилик тимсоли ҳисобланмиш Веймар республикасининг барбод этилишига олиб

келган аччиқ тажрибаларни инобатга олган ҳолда, Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлаш билан изчил шуғулланган. Чунки Конституция хар қандай давлат мавжудлиги, барқарорлиги ва тараққиётининг ҳуқуқий асосидир.

3

ОБУНА ПУЛЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАНЛАР УШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари томонидан "Матбуот тарқатувчи" АК ходимлари билан ҳамкорликда терговга қадар текшириш ўтказилди.

Қилмиш-қидирмиш

Маълум бўлишича, "Матбуот тарқатувчи" АК Хоразм вилояти шўбба корхонаси директори О. К. 2017-2018 йилларда обуначилар томонидан тўланган 1,3 миллиард сўм пул маблағидан 562,3 миллион сўмини ўғли А. К. ва қариндоши С. Ш.га қарашли "У.З." МЧЖга ўтказиб, талон-торож қилган. Боз устига, у жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиради. Шу мақсадда обуна пуллари эвазига "Каптив", "Ласетти", "Нексия" русумли автомашиналарни ҳамда шўбба корхона негизини ташкил этилган Хазорасп босмахонаси балансида бўлган ҳақиқий баҳоси 750 миллион сўмлик бино ва иншоотларни 16,7 миллион сўмга сотиб олади.

пул маблағидан 214 миллион сўмини қариндоши Ш. А.га тегишли бўлган "А. С." ХЖга ўтказиб, талон-торожга йўл қўйди. Шу маблағ эвазига у турмуш ўртоғи номига Урганч шаҳридан уй сотиб олиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиради.

Маъмур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Обуна пуллари талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноий қилмишлар фақат шундангина иборат эмас. Аксинча, бундай ҳолатлар кўплаб учрайди. Хусусан, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари обунаси учун тўланган пуллар ўз эгаси қўлига келиб тушмаётгани билан боғлиқ ҳолатлар ҳам мавжуд. Шулар юзасидан тегишли идораларга муносабатлар қилинган бўлса-да, халқига улардан қаноатлантирадиган жавоб келгани йўқ.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланши 1-бетда).

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари – қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар – қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар.

2-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш
4-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидakilардан ibорат:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёқилғи-энергетика балансининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришга доир қисмини диверсификациялаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлигини оширишни, уларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтиришни ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг синаб кўрилган технологиялари асосида энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви
--

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махусу ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари
--

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек илмий-техникавий ютуқларни тарғиб қилиш учун шароитлар яратади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

Электр энергияси ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона электр энергетикаси тизимига улаш регламентини;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тартибини;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бозорида қулай рақобатбардошлилик ҳамда ишбилармонлик муҳити шакллантирилишини рағбатлантирувчи нарх ва тариф сиёсатини;

қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

7-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махусу ваколатли давлат органи
--

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махусу ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махусу ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махусу ваколатли давлат органи:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги техник регламентларни, нормалар ва қоидаларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бозорида нарх ва тариф сиёсатига доир масалалар юзасидан таклифлар киритади;

қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисобини юритади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновация технологиялар, илмий-техникавий ишланмалар жорий этилишига кўмаклашади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича чора-тадбирларни давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия

бозорида қулай рақобатбардошлилик ҳамда ишбилармонлик муҳити шакллантирилишини рағбатлантирувчи нарх ва тариф сиёсатини такомиллаштириш асосида амалга оширади;

иқтисодиёт тармоқларига ва маийш секторга қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ресурсларни ва энергияни тежовчи илгор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;
қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида энергия жиҳатидан самарадор, энергияни тежовчи ва инновацион замонавий технологияларнинг яратилиши ҳамда жорий этилишига, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ишлаб чиқарилишини ташкил этишга кўмаклашади;
қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилади;
қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жойлаштириш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

9-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техникавий ва инновацион таъминот
Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни илмий-техникавий ҳамда инновацион жиҳатдан таъминлаш давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир тадбирлардаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар: қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

11-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари
--

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш;

локал тармоқни (электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғини) яратиш;

локал тармоқ (электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғи) орқали етказиб бериладиган қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр, иссиқлик энергияси ва (ёки) биогазни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш.

12-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари
--

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқариш чоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги техник регламентларга, нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

3-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

13-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш
--

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инвестицион, илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан куйидагича кўллаб-қувватлаш амалга оширилади:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялар белгилаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инновацион технологиялар яратиш ва уларни кўллашга кўмаклашиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ягона электр энергетикаси тизимига кафолатли уланishiни таъминлаш;

электр энергиясининг ягона харидори ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқини бериш.

Фойдаланилиши қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини салмоқли тарзда оширадиган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини импорт қилиш чоғида юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ҳамда божхона божларига доир имтиёзлар берилиши мумкин.

14-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги имтиёзлар ва преференциялар
Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар (қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун мол-мулк солигини тўлашдан ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солигини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга озод этилади.
Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан озод этилади.
Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб кўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар эгаллигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солинмайди.
Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб кўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғидан озод этилади.
Энергия етказиб берувчи ташкилот томонидан берилган амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб кўйилган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотнома ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзларни бериш учун асос бўлади.

4-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари
15-модда. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан шахсий эътиёжлар учун электр энергияси ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар блок-станциялар шартлари асосида, шунингдек ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда талвор асосида ягона электр энергетикаси тизимига уланиши мумкин. Блок-станция истемьолчиларини ягона электр энергетикаси тизимига бевосита ёки истемьолчилар электр тармоғи орқали уланган ҳамда оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимига кирадиган электр станцияси ҳисобланади.

Амалдаги электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун зарур бўлган, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини улаш билан bogлиқ харажатларни уларнинг эса амалга оширади, ягона электр энергетикаси тизимига уланиш нуктасигача бўлган харажатларни эса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи амалга оширади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ягона электр энергетикаси тизимига ўбoшшимчaлик билан улаш тақиқланади.

Локал электр тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Электр энергияси истемьолчиларини қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларинг локал электр тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

16-модда. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан шахсий эътиёжлар учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳудудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига улаш тақиқланади.

Локал иссиқлик тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иссиқлик энергияси истемьолчиларини қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларинг локал иссиқлик тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

17-модда. Биогазни ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Биогаз маҳсулотларининг, чиқиндиларининг ҳамда келиб чиқиши ўсимлик ва ҳайвонотга мансуб қолдиқларнинг, саноат ва коммунал-маиший чиқиндиларнинг биологик жиҳатдан парчаланадиган моддалардан иборат бўлган биомассасидан ишлаб чиқарилади.

Биомассадан шахсий эътиёжлар учун биогаз ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди.

Биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳудудий ва магистрал газ тармоқларига улаш тақиқланади.

Локал газ тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Биогаз истемьолчиларини биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларнинг локал газ тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

5-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат ҳисоби, электр энергиясининг тарифлари

18-модда. Қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисоби
--

Махусу ваколатли давлат органи аҳолининг ва биринчи навбатда марказлаштирилган энергия таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудларнинг энергетикага оид ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини амалга оширади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади.
Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган ва истемьол қилинадиган энергиянинг бутун ҳажми ҳисобга олинishi шарт.
Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби куйидаги мақсадларда амалга оширилади:
қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган ва истемьол қилинадиган энергиянинг ҳисоби ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг сони аниқлигини, тўғрилигини таъминлаш;
қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергетик салоҳиятини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
манфаатдор шахсларни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истикболлари тўғрисида хабардор қилиш ва инвестицияларни жалб этиш.
Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жойлаштиришнинг аниқ ва эҳтимол тутилган майдончалари тўғрисидаги, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, фойдаланиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қуввати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

20-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир тарифлар
Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир тарифлар танлов савдолари асосида белгиланади.
Яқуний истемьолчилар учун электр энергиясига доир тарифларни шакллантиришда барча ишлаб чиқариш манбаларидан, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр

Германия Асосий Қонуни ва Конрад Аденауэр:

70 ЙИЛЛИК ТАРИХГА НАЗАР



Ган шундаки, Веймар Германиясида умумхалқ сайловида сайланадиган Рейхспрезидент, ўз-ўзиндан, Рейхсканцлерга нисбатан юқори ваколатларга эга бўлган...

вакиллик органлари (ландтаглар) томонидан ҳар бири 75 минг нафар аҳоли вакили сифатида сайланган 65 депутат ва Фарбий Берлиннинг маслаҳат овозини бериш ҳуқуқига эга беш нафар вакилдан иборат Парламент кенгаши ишлаб чиққанни алоҳида ташкиллаш зарур...

Асосий Қонуннинг аксарият моддаларида 1919 йилги Веймар Конституциясига



хос нуқсонларни четлаб ўтиб, масъулияти аниқ белгиланган давлат тузумини ташкил этишга интилиш яққол сезилиб туради...

Улкалар ландтаглари маъқуллаганидан кейин 1949 йил 23 майда Парламент кенга-

ши томонидан эълон қилинган, Асосий Қонун кучга кирган. Бу ўринда фақат Бавария ландтаги ушбу конституциявий ҳужжатни хаддан ташқари марказлаштирилган, деб ҳисоблаб, рад этганини айтиб ўтиш лозим.

Асосий Қонуннинг кучга кириши учун ўлкалардан учдан икки қисмининг розилиги зарур бўлган. Шу асосда 1949 йил 23 май куни Асосий Қонунни имзолаш маросими бўлган — унинг матига ХДИ/ХСИ, Немислар партияси, Марказ партияси, Эркин демократик партия аъзолари — депутатлар ва 11 ўлка бош вазирлари имзо чекарлар.

Асосий Қонунни биринчи бўлиб К. Аденауэр имзолаган. Шу кундан эътиборан 23 май — Германия Конституцияси кунли ҳисобланади.

Асосий Қонунга 1919 йилги Веймар Конституциясининг 136, 137, 138, 139 ва 141-моддалари инкорпорация қилинган эди ва бу моддалар ҳозирги кунда ҳам амал қилмоқда. Асосий Қонунга зид бўлмаган Веймар Конституциясининг бошқа моддалари ХХ асрнинг 60-йиллигига қадар одат нормаси сифатида ҳаракатда бўлган.

Урушдан кейин Германия озод ва барқарор давлатга айланди. Бунда 1949 йилги Асосий Қонун ҳуқуқий асос бўлди. Бир томондан, у иккинчи қаватли барқарорликни таъминласа, иккинчи томондан, давр талаби бўйича ўзгаришлар учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб берди.

ИККИ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

1949 йил 15 сентябрда К. Аденауэр янги бунёд бўлган Германия Федератив Республикасининг Биринчи канцлери этиб сайланган. Аммо бу воқеа кутилганидан кўра оғирроқ кечган. Унинг учун Бундестагнинг 402 нафар депутати 202 нафар, шу жумладан, номзоднинг ўзи ҳам овоз берган.

Агар бу сайлашни учун зарур бўлган энг кам овоз экани назарда тутилса, К. Аденауэрнинг Канцлер лавозимига сайланишида ўзини берган овоз қанчалик ҳал қилувчи аҳамият касб этганини аниқлаш қийин эмас. Кейинчалик бу ҳақда у шундай эълаган: "Ушунда мендан: "Ишқилиб, ўзининг ўзини сайламадингми?" деб сўрашганида: "Албатта, худди шундай қилдим, бошқача йул тутсам, мунофиқлик бўлур эди, деб айтдим".

К. Аденауэр 1963 йилга қадар ГФР Федерал канцлери лавозимини эгаллаб турган. Яна бир муҳим жиҳат: 1990 йил 3 октябрда Шарқий ва Фарбий Германия бirlашиши юз берди. Эндиликда Германия бirlлашган кун Миллий байрам сифатида нишонланади. Бунда ГФР, ГДР, СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан тузилган Германиядаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалани уziel-кесил ҳал этиш тўғрисидаги кўп томонлама Битим Германияни бirlлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш ўринлидир.

Соғда қилиб изоҳлайдиган бўлсак, ушунда ГДР ГФРга қўшилган. 1990 йил 3 октябрдан бошлаб ГФР Асосий Қону-

ни собиқ ГДР ҳудудига ҳам жорий этилган.

Германия Конституцияси ижодкорлари "Асосий Қонун" тушунасидан уни Конституция билан адаштирмаклик учун фойдаланилганини ҳам айтиш жоиздир. У 1949 йилнинг майида давлат ҳаётида "ўтиш даври"да янги — озод ва демократик тартиб ўрнатиш мақсадида қабул қилинган.

Асосий Қонуннинг "Муқаддимаси"даёқ немис халқи олдида "Германия ўз давлатини эркин белгиллаш шaroитида бирдамлик ва озодликка эга бўлиши керак" деган мақсад қўйилган. Фарбий ва Шарқий Германиянинг ягона Конституциясини қабул қилиш йўлида имконият туғилиши билан яна бirlлашиши керак эди.

Германиянинг бirlлашишига интилиши тўғрисида Асосий Қонунга қайд этилган қоида 1990 йилда амалга оширилди. 1990 йил 31 августда имзоланган ва ГДРнинг ГФР Асосий Қонуни тасхир доирасига қиришни тартиб-а тартиб қаратилган Германиянинг бirlлашиши тўғрисидаги Шартнома неғизда унинг "Муқаддимаси" ва "Қуноннинг моддалари" қисми қайтадан тахрир қилинди.

Эндиликда Асосий Қонун матида ГДРнинг қириши билан Германия 1990 йил 3 октябрдан эътиборан бirlдамликка эга бўлгани қайд этилган. Германия бirlлашган сўнг Бундестаг ва Бундесрат томонидан Германиянинг умумий Конституцияси тўғрисидаги масалани қуриб чиқиш учун ташкил этилган комис-

сия бу масалани 1990 — 1993 йилларга қуриб чиққан, амалдаги Асосий Қонунга ўзгаришлар қириши билан бемаълум қийофиянлиш мумкин, деган ҳулосага келди.

Шундай қилиб, муваққат конституциявий ҳужжат томонидан доимийлик мақомини касб этди. Яъни Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни ГФРнинг "бутун немис халқи учун амал қиладиган" Конституциясига айланди. Бу ҳақда 1990 йилдан кейин қабул қилинган Асосий Қонуннинг янги тахриридаги 146-моддасида қайд этилган.

Хулоса ўрнида айтганда, ГФРнинг Асосий Қонуни ҳар бир кишига кенг қўламда инсон ҳуқуқларини, озодлик ва ижтимоий ҳимояни кафолатлайди. Германия фуқаролари олдинги конституцияларнинг бирортасига ҳам 1949 йилги Асосий Қонунга ёндашганчаллик чўқур ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлмаган.

Ўз навбатида, ГФР Асосий Қонунининг тамал тошини қўйиб кетган етук давлат ва жамоат ароби Конрад Аденауэрнинг хотирасини немис халқи ҳалигача "Отахон" ("Der Alte") деб эъзолашлари бежиз эмас. Чўнки машҳур сёбатчининг Асосий Қонун маъзига сингдириб юборилган иккита муҳим гоноси, яъни "Ижтимоий Ёзор иктисодиёти" ва "Янги Амударёда янги Германия" тамойиллари бугунги кунга қадар ўзининг юксак самараларини бериб келмоқда.

Акмак САЙДОВ, академик.

ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари Нусратбек Тойчиевнинг айтишича, тез кунларда мамлакатимизнинг барча туман (шаҳар)ида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар муносабатларини қуриб чиқиш қабулхоналари иш бошлайди. Туманларда икки нафардан, вилоятларда эса уч нафардан малакали мутахассислар фаолият юрлатишда ҳамда муаммолар имкон қадар жойида ҳал этилади. Қўйи бўлишларида ечимини топмаган масалалар эса бевосита Бош вазирга бўйсунадиган янги — Тадбиркорлар муносабатларини қуриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қотибати томонидан ўрганилиб, Бош вазирга тақдим этилади. Шу тариқа ҳар бир муаммо ижобий ҳал қилинади.

ри, шу жумладан, чет эллик инвесторлар Бош вазир томонидан қабул қилинади.

Тадбирдор давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 июндаги қарори билан тасдиқланган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида аҳолини бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам муҳомадалар марказида бўлди.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун жорий йилда банклар орқали худудларга б триллион 200 миллион сум ёки 700 миллион доллардан зиёд ресурслар ажратилган.

Санг РАҲМОҲОВ («Халқ сўзи»).

ТЕРМИЗ: ОДАМЛАРГА КАТТА ИШОНЧ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАЁТГАН БУЊЁДКОРЛИКЛАР

Шунга қўра, қабул қилинган давлат дастурлари изчил амалга оширилмоқда. Бугун вилот марказини йирик қурилиш майдонига қуёслаш мумкин. Қад ростлаётган кўп қаватли ўй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, шунингдек, коммуникация тармоқларининг янгидан бунёд этилиши боис шаҳар тобора қўрқамлашиб бормоқда. Жумладан, 2017-2018 йилларда тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобидан 62 та кўп қаватли ўй-жой барпо этилди. Шу билан бирга, ёш ва эҳтиёжманд оилалар учун 2017 йилда 5 та, 2018 йилда 10 та, жами 630 хонадондан иборат 7 қаватли ўй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда яна 10 та ана шундай турар-жой қуриш ишлари бошланган.

— Оилда тўрт ўғлимиз, — дейди термизлик Шероф Қодиров. — Оила қуриб, фарзандли бўлган, ўз уйимизга эга бўлишни орзу қиламиз. Шаҳримизда кўп қаватли арзон ўй-жойларнинг қад ростлагани аҳойиб иш бўлди-да! Улардан бирига кўчиб ўтиб, фаровон ҳаёт кечираватганимизга

саройи ва 3000 ўринли амфитеатр бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги "Баҳт боғи" реконструкция қилинди. Вилот мекенлик драма театри биноси қўнғирок театрга айлантилди.

Термиз шаҳрида умумий қиймати 4 миллиард 370 миллион сўмлик 250 ўринли янги деҳқон бозори капитал таъмирланган бўлса, умумий қиймати 104 миллиард сўмлик "Yashil dunyo bozori" мажмуасини қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Президентимиз топшириқларига биноан, Инвестиция дастури асосида 2017 йилда Термиз шаҳрида жами 10 та, 2018 йилда 15 та ижтимоий соҳа объектини қуриш ва капитал таъмирлаш учун Давлат бюджетидан 42 миллиард 408,9 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

Маҳаллий ва халқаро туризм истиқболларини таъминлаш учун 6 та янги меҳмонхона барпо этиляпти. Қўнрақли ободонлаштириш, шаҳарга ҳозирбарор қурилиш касб этивчи ташқи реклама воситалари ҳамда ранг-баранг тунги ёритқичлар ўрнатилиши ба-

Парламент ҳаёти



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида жорий йил 18 май куни илк бор Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ғоил инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Ҳукумат ҳисоботи қизгин муҳокама қилинди. Тортишув ва савол-жавобларга бой кечган муҳокама-лар чоғида депутатлар томонидан Давлат дастурида қўзда тутилган, бироқ ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган сустиқлаш ва муаммолар юзасидан бир қатор масалалар қўтарилди.

11 СИНФНИ БИТИРИБ, ЎҚИШГА КИРОЛМАГАНЛАР ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

ДЕПУТАТ УШБУ МАСАЛАГА ҲУКУМАТ ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТДИ.

Жамшид ПИРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Давлат дастурининг 211-бандида мақсадли кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш бўйича бир қатор вазирликлар масъулиятига жорий йилнинг март ойигача норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш белгиланган эди. Яъни 11-синфни битирган ўқувчиларнинг касб-хўнрли бўлиши учун ҳаммага бир хил уч йиллик касбий таълим ташкил этиш эмас, балки касб ва хўнрнинг туридан келиб чиқиб, коллежларда ўқиш муддатини турлича этиб белгилаш масаласи юзасидан норма-

Азиз АБДУҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари:



— Бу долзарб масала. Президентимиз Шавкат Мирзиёев битирувчиларнинг олий таълимга қамровини 20 фоизга кўтарिश бўйича алоҳида топшириқ берган. Мақсадимиз ушбу қамров доирасини яқин йилларда 30 фоизгача оширишдир.

Албатта, қолган ёшларнинг тақдирига ҳам бефарқлик ҳалққа йўқ. Чўнки ўн биринчи синфни тамомлаб, ўқишга киролмаган ёшларимизнинг қўлида шаҳодатнома бўлади, ҳолос. Биз уларга касб-хўнр ўргатишимиз, меҳнат бозорига тайёрлашимиз лозим.

Шу маънода, касб-хўнр коллежлари тизими чўқур ўрганилди. Жойларга чиқилган ҳолда, ҳар бир коллеж фаолияти, имкониятлари, олдинги йиллардаги давомати, таълим сифати ва йўналишлари, мутахассисликлар тахлил қилинди. Шу асосда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори лойиҳаси тайёрланди. Билдирилган тақлифлар Президентимизга ҳавола қилинди ва маъқулланди.

ҳозир профессионал таълим тизими йўналишида, авваламбор, 386 та коллеж сақлаб қолинади. Шулардан 336 та коллеж бошланғич профессионал таълим даражасида кўп тармоқли профессионал мактаб мақомида бўлади. Улар, асосан, кишлоқ жойларда бўлиб, ҳақиқатан ҳам, эҳтиёж мавжуд мутахассисликлар, дейлик, агрономлик, механизаторлик кабилар ўргатилади. Ушбу мутахассисликларни эгаллаган ёшлар меҳнат бозоринида ўз ўрнини, албатта, топади. Коллежлардан 413 таси эса ўрта профессионал таълим даражасидаги идора ва кластерларга берилди. Президентимиз топшириғига қўра, бу коллежлар йирик корхоналарга бirlлаштирилди, кластер сифатида у ерда бевосита ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ёшларга таълим берилади.

Яна бир янгилик шуки, тизимда янги тузилма ташкил этилишга қўзда тутилмоқда: 32 та коллеж ўрта махсус профессионал таълимнинг олий мактабларига айлантирилади.



Мазкур қарор билан халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ўрта махсус профессионал таълим тизими яратилади. Бундан ташқари, 58 та коллеж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги иктибўрига берилиб, касб-хўнр ўқитиш марказлари айлантирилади. Ёшларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш мақсадини рўёбга чиқариш учун 104 та коллеж олий таълим муассасалари эҳтиёжи йўлида улар иктибўрига берилади. Умуман, Президентимиз топшириғига асосан, олти ойдан икки йилгача тегишли курслар ташкил этилган.

САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ, ИМКОНИЯТИ КЕНГ

Масъулият ва дахлдорлик. Бу икки омили мамлакатимиз тараққийти таъминлашнинг асосий мезонига айлиб бормоқда. Зеро, масъулиятни ҳис этмаслик ёки дахлдорликни бир муддат йўқотиш бугунги ислохотлар самарадорлиғига путур эткизиши, алақибат айлантиришнинг суйайшига олиб келиши мумкин.

Депутат фикри



Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига таширифи, шубҳасиз, роппа-роса бир йил аввал қўтарилган масалалар ечимини, беришган вазифалар ижроси ҳамда ташаббуслар мевасини яққол юзага чиқарди. Айни дамда, бир йил олдинги вазифаларни бirlин-кетин санашдан кўра, унинг натижаларини бевосита Андижон вилоятининг қўлга киритган қўрсаткичларидан изласак, адолатдан бўлади.

2019 йил январь — март ойларида Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1670,8 минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан 85,3 фоиз ўсиши таъминланди.

Аҳоли даромадлари ўсиши унинг турмуш фаровонлиги юксалиши кафолати эканига ортиқча изоҳ, исбот шарт эмас. Аммо бу қадар йирик ўсиш, худди шу қўламдаги лойиҳаларни теж эиккланмасдан, яъни ниёт ва дадиллик билан амалга ошириш маъноси эканини давлат раҳбарининг ҳар иккала таширифи оралиғида яна қатор жиҳатларда қўриш, илғаш мушкул эмас.

Албатта, қўлга киритилган натижа нақд, уни биров тортиб олмайди. Шунингдек, Президентимиз томонидан бир йил аввал беришган топшириқлар ижроси вилот қўёқасини бirlмунча янгилаб, инсонлар баётига ижобий таъсир этган, деган тугал ҳулосага асослан кам эмас. Аммо Юртбошимизнинг бу сарфари таширифи яна бир қатор жиҳатлари билан ёдда қолади бўлди. Айнисика, таширифининг Хон-

обод шаҳридан бошланганда улкан рамзий маъно бордек. Зеро, атиги бир йил олдин шаҳар аҳолиси юрт раҳбарининг вилотга таширифини ҳаёқон билан қутган ва ҳавас билан унинг ширин мевасидан баҳраманд бўлди. Президентимиз 2017 йил 2 июнда бу ерга таширифи буюриб, ижтимоий-иктисодий шaroит ободиян яқиндан танишган, вилотни тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берган эди.

Қисқаси, давлат раҳбарининг Андижон вилоятига таширифи ўтган йилда бошланган улкан ўзгариш ва янгиликларга бугунги кун нафасини берди. Таширифи давомиде тақдим этилган лойиҳалар, беришган вазифалар, муҳокама қилинган масалалар тахлили шундай ҳулоса чиқаришга туртки бермоқда. Демак, аҳолиси энг зиқ жойлашган, аммо салoхияти юқори бўлган вилотдан яқин келажикда амалга ошириладиган улкан ишларнинг аниқ йўналишлари белгиланди. Уларнинг ижобий натижасига оптимистик руҳда қарашга асослан кам эмас. Энг асосийси, бу сарфари ҳаракатлар, ҳар бир таширифи андижонлик юртдошимиз ҳаётининг янгида яхшиланишида ўз ақсини топтоқда.

...Ушбу таширифи оддий тубдан сифатида кузатиб, "Жушқин Гужарат — 2019" IX халқаро инвестиция саммити доирасида Президентимиз томонидан билдирилган "Гужаратнинг улкан иктисодий салoхияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шoх Бoбур тугилган ва улуг Акбаршoх ажодларининг ватани бўлиши Андижонда Ўзбекистон — Ҳиндистон минтақалари бизнес форуми шундай йўналишдаги тақлиф қиламиз", деган фикрлари ёдга тушиди. Андижондаги кенг қўламли ўзгаришлар эса бундай юқори даражадаги лойиҳаларга дадил қўл уришга имкон беради.

Узлoҳо АҚРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Садиржан ЖАКБАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

НИГОХ

«БУГУН МУСУЛМОН ДУНЁСИ ЎРГАНАЁТГАН ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОС ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ»

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, АҚШнинг Тинчлик институти, Минтақавий мулоқот маркази билан ҳамкорликда халқаро семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон ва АҚШдан 60 дан зиёд экспертлар, исломшунос олим ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш, маърифий ислом ғояларини кенг ёйиш, радикал кучларнинг бузғунчи ғояларидан ёшлар-

ни асраб-авайлаш масалалари муҳокама қилинди.

Иштирокчиларга Ўзбекистонда ушбу соҳада сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, ташкил этилган янги илмий-тадқиқот марказлари ва диний ташкилотларнинг аждодларимиз меросини ўрганиш ва халқимизга етказишдаги аҳамияти, мамлакатимиз раҳбариятининг халқаро майдонда илгари сурган таклиф ва ташаббуслари ҳақида маълумот берилди.

Халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистонда диний-маърифий ҳақида амалга оширилган ислохотлар ҳақида куйидагиларни айтиб ўтишди.

Айнур АБДУРАСИЛ КИЗИ,
Қозоғистоннинг Дин масалалари бўйича илмий-тадқиқот ва таҳлил маркази директори:



— Мутахассис сифатида Ўзбекистонда кейинги вақт-

да кузатилаётган ижобий ўзгаришлар мени бефарқ қолдирмади. Шунингдек, Шунингдек, Самарқанд ва Қўқоннинг ислом маърифатига оид бой мероси биз учун диний-маърифий асос бўлиб хизмат қилган. Қозоқлар ва ўзбеклар бир тану бир жон ҳисобланган қардош халқлардир. Азалдан бу ер илм ўчоғи бўлиб келган. Биз ўрганаётган барча масалалар шу за-

минда мавжуд. Мен ҳам ўз юртимга қайтганим захоти Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан алоқаларни мустаҳкам боғлашга ҳаракат қиламан. Чунки бу марказ минтақадаги маърифий марказларнинг юраги бўлишига ишонаман. Ислом илмий мероси ва тамаддуни ҳақида биз ташқаридан намуна, ўрнаткичи қилишимиз шарт эмас. Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, Ўзбекистонда бу борада ҳамма имкониятлар мавжуд.

Зайирбек ЭРҒАШОВ,
Қирғизистоннинг Дин ишлари бўйича давлат комиссияси директори:



— Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ўтказилган мазкур семинар бир-биримизнинг диний, маърифий қарашларимиз, илм-фан ва маданиятимиз ҳақида маълум хулосаларга келишимиз, барчамиз учун умумий бўлган йўналишларни белгилаб олишда жуда муҳим майдон вазифасини бажарди, деб ҳисоблайман. Ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиёда шаклланган ислом тамаддуни бутун дунё илм-фани ва маданиятининг ри-



вожига катта ҳисса қўшган. Собиқ шўролар даврида ислом қадриятлари ва мусулмон зиёлиларига нисба-

тан зугум кўрсатилганини яхши биламиз. Шунга қарамай, айнан Тошкентда 1944 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси иш бошлаган, Бухорода Мир Араб мадрасаси қайта ташкил этилган. Айни шу заминда Марказий Осиёлик диний етакчилар, зиёлилар ўз соҳалари бўйича чуқур таълим олдилар ва бутун минтақа бўйлаб хизмат қилдилар.

Биздаги диний соҳадаги мутахассислар Тошкент, Бухоро, Андижон ва Қўқонда таълим олишган эди.

Расим ЧЕЛИДЗЕ,
дин масалалари бўйича эксперт, PhD (Қозоғистон):



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар диққатга сазовор. Ислом масалалари бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси нечоғли улкан эканини яхши англайман. Бугун мусулмон дунёси ўрганаётган илмий-маърифий ме-

рос Ўзбекистон билан ҳамкорликда бўлиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини қўриб, хайратландим. Комил ишонч билан айтаманки, ушбу марказ ислом уламулари илмий меросини ўрганиш бўйича дунёнинг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Бунинг учун Ўзбекистонда



етарли тажриба ва илмий салоҳият мавжуд.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Озод Шарафиддин таваллудининг 90 йиллиги

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддин таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-баддий кеча ўтказилди. Унда олимнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ҳамда шоирлар, адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар қатнашди.



Фотос: АБДУРАСИЛОВ (У.А.) оғоч сурат.

Иштирокчилар дастлаб пойтахтимиздаги Чигатой қабристонидан бўлиб, Озод Шарафиддиннинг қабрини зиёрат қилдилар. Адиблар хибонидида олим хайкали пойи гулларга бурканди, атоқли инсон яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси очилди.

Адабиётшунос олим таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасаларида ижодий кечалар, адабиёт кунлари, анжуманлар, очик дарслар ташкил этилмоқда. Шунингдек, олимнинг «Танланган асарлари» чоп қилинди, ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинди. Озод Шарафиддиннинг ҳақида «Ижод ва шижоат» номли мақолалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Хотира кечасида таъкидланганидек, Президентимиз томонидан маънавиятимизни бойитиш, айниқса, ёшлар онг қалбига ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, миллий қадриятларга садоқат, фидойилик туйғулари

янада юксалтиришнинг асосий омил сифатида адабиётимизни ривожига алоҳида эътибор қаратилаётган. Ижодкорлар ҳар томонлама эъзозланиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Ҳаётини ушбу эзгу йўлга бағишлаган шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар хотираси абадийлаштириляпти.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Адиблар хибонидида Озод Шарафиддиннинг ҳақида муаззам хайкали салобат тўкиб турибди. Президентимизнинг 2019 йил 6 мартдаги «8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан муқофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, таниқли олимнинг садақатли умр йўлдоши Шарапат Қўшабаева «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

Тадбирда қайд этилганидек, Озод Шарафиддиннинг ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан ҳаётда ҳам, ижодда ҳам барчага ибрат кўрсатиб яшади. «Истеъдод — халқ мулки» деган эзгу тамойилга асосланиб, адабиётнинг янги иқтидорларини кашф этишга интилди. Яхши асар яратилганидан қувонган мунаққид уни китобхонага яқинлаштиришга, кўнгил мулкига айлантиришга бор куч ва салоҳиятини сафарбар этди.

Заҳматкаш олимнинг «Замон. Қалб. Поэзия», «Адабий этюдлар», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Чўлпонни англаш», «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» ва бошқа

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

ПЎЛАТ ҚУЮВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ АКС ЭТТИРГАН ҲАЙКАЛ

Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» АЖ бошқаруви биноси ҳовлисида маҳобатли «Пўлат қуювчи» ҳайкали очилди. У пўлат эритувчиларнинг шарафли ва машаққатли меҳнатини ўзида ёрқин акс эттирган. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда қўшни Тожикистондан келган тадбиркорлар ҳам қатнашди.

Ҳамкорлик

Ўзбекистон — Тожикистон тадбиркорларининг бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Мазкур форумга Бекобод шаҳри танлангани бежиз эмас. Шаҳардаги мавжуд 10 та экспортёр корхона томонидан 2019 йилнинг 1 чорагида ишлаб чиқарилган 265,1 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулотларнинг ҳаммаси

Тожикистон Республикасига сотилди. Улар орасида металлдан тайёрланган буюмлар, цемент маҳсулоти, қокори босимга чидамли ойна толали қувурлар, қурилиш моллари, озик-овқат, энгил саннат маҳсулотлари бор.

Бекободда бўлиб ўтган тадбирлар доирасида ўзбек — тожик тадбиркорлари инвестициявий шартномалар имзолашди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРУФИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САҲЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

2019/2020 ўқув йили учун 2012 йилда туғилган иқтидорли ўғил-қизларни ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ВА МУСИҚА Йўналишлари бўйича танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Аризалар 2019 йил 1 июндан 30 июнгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 1 июнда бошланади.

Манзил: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 1-А уй. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 135, 141. Йўналиш тақсирлар: 128, 127, 18, 182. Телефонлар: 71-274-92-21, 71-274-96-44, 71-274-96-45.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражат мотокультиваторлар, гуруч тозалавчи мослама, шох-шаббаларни майдалайдиган ускуна ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Мулкчилик шакли турлича бўлган оммавий овқатлантиришни ташкил этиш корхоналари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнғин хавфсизлиги институти

институтнинг курсантлар ошхонасида аутсорсинг тизимида овқатлантиришни йўлга қўйиш мақсадида танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат ва қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Иш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача. Тел.: 98-306-21-05, 71-258-56-57.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали **ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ**

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 99-535-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Ш. Гаффоров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.10 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6